

03/94-сон баён
25.10.2022 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
раиси ўринбосари


А.Файзибаев
« 24 » октябрь 2022 йил

Давлат солиқ қўмитаси биносида 2022 йил 21 октябрь куни ўтказилган йиғилиш
Б А Ё Н И

2022 йил октябрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: А.Файзибаев – Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари.

Қатнашганлар: Ахборот-коммуникация технологиялари, Солиқ назорати ва Солиқ солиш методологияси департаментлари, Солиқ назорати методологияси ва сифатини баҳолаш бошқармаси, “Янги технологиялар” илмий ахборот маркази давлат унитар корхонаси, Электрон пул ўтказмалари билан шуғулланувчи 4 та тўлов ташкилотлари, 3 та маркетплейслар ҳамда Йирик 2 та Техник хизмат кўрсатиш марказларининг масъул раҳбарлари (рўйхат бўйича).

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Тўлов ташкилотлар, Техник хизмат кўрсатувчи марказлари ва Фискал маълумотлар оператори ахборот тизимларининг ўзаро маълумотлар алмашиш тизимини ташкил этиш тўғрисида.

2. Электрон тўлов тизими орқали реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизмат) лар учун харидорларга электрон фискал чек тақдим этиш тўғрисида.

3. Электрон шаклда амалга оширилган тўловлар учун онлайн назорат касса (виртуал касса) техникаларида алоҳида меню - **жойларда онлайн тўловлар** шаклида махсус функцияни яратиш тўғрисида.

4. Тўловлар электрон шаклда амалга оширилганда тадбиркорлик субъектлари томонидан ОНКТларидан мажбурий фойдаланган ҳолда, **электрон фискал белгили чекни** тўлов ташкилотлари томонидан **тақдим этиш учун махсус тизимни жорий этиш** тўғрисида.

5. Тўловларни қабул қилишда фискал белгиларни акс эттириш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш талаблари бузилганида солиқ органлари томонидан кўриладиган таъсир чоралари тўғрисида.

(А.Файзибаев, А.Рабинов, Л.Умурзаков, Й.Нарзиев, А.Хашимов, Ш.Саидов, Ш.Тешебаев, Йирик Электрон тўлов ташкилотлари, Маркетплейслар ва Техник хизмат кўрсатиш марказларининг масъул раҳбарлари)

Йиғилишда Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари кун тартибидаги масалаларни семинар-тренинг кўринишида ўзаро маълумотлар алмашиш, фикр мулоҳазаларни очиқ баён этиш тарзида ўтказилишини таклиф этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг ПҚ-5252-сон қарорига асосан, 2022 йил 1 февралдан бошлаб электрон тижорат платформалари – “маркетплейс”ларнинг ахборот тизимлари ёрдамида масофадан туриб амалга оширилган савдо ва пуллик хизматлар бўйича транзакцияларнинг электрон чекларида фискал белгиларни мажбурий акс эттириш ва ушбу маълумотларни солиқ органларининг ахборотлар тизимига мажбурий узатиб борилиши лозимлиги белгиланганлиги тўғрисида яна бир тушунтириб ўтди.

Жорий йилнинг **21 октябрь кунига қадар** давлат солиқ қўмитаси ҳамда ҳудудий солиқ хизмати органлари томонидан электрон пул ўтказмалари билан шуғулланувчи субъект (*тўлов ташкилот*) ларга давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграция жараёнларини амалга ошириш ҳамда қонунчилик бузилишига йўл қўймаслик ҳақида **саккиз мартаба** ёзма равишда **огоҳлантириш** етказилган бўлса-да, етарли ишлар ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси **Солиқ Кодексининг 227¹-моддасида** назарда тутилган фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан **интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш** солиққа оид ҳуқуқбузарликлар деб ҳисобланиши ҳамда реализация амалга оширилган охириги **ҳисобот чорагида олинган соф тушум миқдорида жарима** солишга сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, мансабдор шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг **юз баравари миқдорида маъмурий жарима солиниши** тўғрисида **такроран огоҳлантирилди**.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 04.10.2021 йилдаги ПҚ-5252-сон қарори билан жорий қилинган “cashback” тизими натижасида жорий йилнинг январь-август ойлари давомида **"SOLIQ"** мобил иловаси орқали **1 168,5 минг нафар** фуқарога **421,3 млрд.сўм** тўлаб берилганлиги;

электрон тўлов тизимларининг ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб, жорий йилнинг 12 майдан бошлаб (*ВМнинг 255-сон қарори*) тўлов ташкилотлари, электрон тижорат платформалари — Маркетплейслар орқали амалга оширилган тўловларга автоматлаштирилган тартибда харид суммасининг 1 фоизини қайтариш тартиби амалиётга жорий қилинганлиги баён этилди.

Тўловлар электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилганда харидорларга электрон фискал белгилари чекни тақдим этилиши мажбурийлиги тушунтирилди.

Хусусан, “Солиқчи - тадбиркорга кўмакчи” тамойилига асосан, Давлат солиқ қўмитаси Раиси томонидан белгилаб берилган қуйидаги:

- электрон тўлов тизими орқали реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизмат) лар учун харидорларга тўлов ташкилотлари томонидан электрон фискал чек тақдим этилиши;

- жойларда харид қилинган маҳсулот(ишлар, хизмат)лар учун тўлов тизими орқали амалга оширилган тўловларга онлайн назорат касса (виртуал касса)дан фойдаланиб тўлов ташкилоти орқали харидорларнинг мобил иловасида фискал

белгиларга эга бўлган электрон чеклар шаклланиши тўғрисида тушунтиришлар берилди ҳамда пулли ҳисоб китоблар учун харидорларга **электрон фискал чек тақдим қилиш** муддатини **жорий йилнинг 1 ноябрь** кунига қадар тўлов ташкилотлари томонидан тўлиқ яқунлаш ишларини аҳволи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори 1-илоvasи 6-бандида онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилган тўловлар учун **электрон чек берилиши шарт эканлигини** тушунтириб ўтди.

Бироқ, ўрганишларга кўра назорат-касса техникаларида электрон тўловлар бўйича тегишли функция яратилмаган ва бугунги кунда электрон тўловлар учун QR-кодли электрон чек бериш тизими йўлга қўйилмаганлиги бундай чекларни тақдим қилинмаслигига олиб келаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарори билан 943-сон қарорининг 2-илоvasи 3-бандига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга кўра, **жорий йилнинг 13 август санасидан бошлаб**, электрон тўлов тизимларига назорат-касса техникаларини мажбурий уланиши учун техник талаблар бажарилмаганлик ҳолатлари аниқланганда, бундай ТХКМ **Давлат реестридан чиқарилиши** белгиланганлиги ва мазкур талабларни **1 ноябрь санасига қадар ҳам бажармаганда** ТХКМлар реестрдан чиқариш чоралари кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

“CLICK” масъулияти чекланган жамиятининг ахборот тизимларини ривожлантириш бўйича директори Р.Файзиев томонидан фуқаролар томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида электрон тўлов тизимлари орқали харид қилинган маҳсулот (ишлар, хизмат)лар учун электрон фискал белгили чеклар фуқароларнинг мобил иловасига тақдим этилиши тизимини сифатли ва замонавий шаклда шакллантириш бўйича “Янги технологиялар” илмий ахборот маркази ҳамда “My Air Group It Service” МЧЖ (“SPECIAL TEXNO SOFT” МЧЖ нинг “UZKASSA N5” русумли НКТ) масъул ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган **схема тақдим қилинди.**

Фискал маълумотлар оператори вакили Ш.Тешабаев фуқаролар томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида электрон тўлов тизимлари орқали **жойларда харид қилинган маҳсулот(ишлар,хизмат)лар учун электрон чеклар**, электрон пул ўтказмалари билан шуғулланувчи тўлов тизими орқали **транзакциялар** тўлов амалга оширган харидорнинг рақами кўрсатилиб онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналарини ишлаб чиқарувчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчи марказлар орқали товарларни (хизматларни) реализация қилувчи субъектларнинг **Онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналарида акс эттириш тизими ишлаб чиқилганлиги маълум қилинди.**

Шунингдек, товарларни (хизматларни) реализация қилувчи субъектлар белгиланган тартибда реализация қилинган маҳсулот(ишлар,хизмат)ларни белгилаб, онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналари орқали тўлов ташкилотларига электрон чек маълумотлари юборилади ҳамда тўлов ташкилот (маркетплейс) лари орқали маълумотлар фискал маълумотлар оператори томонидан фискал белги яратилиб тўлов ташкилотлари тўловларни амалга оширган харидорнинг мобил

иловасида фискал белгиларга эга бўлган электрон чеклар тақдим этиш ва тўловлар ўтказиш ўрганиб чиқилганлиги маълум қилинди.

“SPECIAL TEXNO SOFT” масъулияти чекланган жамиятининг молиявий ишлар бўйича директори Ко Андрей Никитович томонидан харидорлар томонидан жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун электрон шаклда амалга оширилган тўловлар учун онлайн назорат касса техникаларида алоҳида меню - **жойларда онлайн тўловлар** шаклида махсус функция яратиш учун етарли техник ишлар амалга оширишни билдириб, “Янги технологиялар” илмий ахборот маркази томонидан IP-адрес ҳамда Шлюз (ахборот маълумотларини маршрутизаторларнинг турларидан бири ҳамда Роутерлар бир нечта тармоқларни улайди ва пакетли маршрутлаш функцияси) тақдим этилиши сўралди.

“BANK APELSIN” акциядорлик жамиятининг ИТ бўлим бошлиғи Б.Саидов томонидан тақдим этилган ҚҚС солиқ ҳисоботларида жамиятнинг ҳамда мерчантлар (ҳамкорлар) томонидан кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи суммаси акс этиб қолганлиги, бунинг натижасида икки томонлама солиқ ҳисоблангани ҳамда тизимнинг янги жорий қилинганлиги сабабли харидорларга тақдим этилган чеклардаги ҚҚС ставкаси ва МХИК кодлари хато шакллангани маълум қилиб, қўмита томонидан амалий ёрдам бериш зарурияти юзага келганлигини билдирилди.

Тўлов ташкилотлари ва Онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналарига техник хизмат кўрсатувчи субъектлари ҳамда “Янги технологиялар” илмий ахборот маркази давлат унитар корхонаси ҳамкорликда ишлар олиб бориш, жорий йилнинг **26 октябрь кунига қадар IP-адрес ҳамда Шлюз орқали маълумот алмашиш тизимига уланиш** ҳамда **29 октябрь кунига қадар** жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун харидорларга электрон фискал чек тақдим этиш ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Давлат солиқ қўмитасига ахборот бериш вазифаси топширилди.

Хусусан, йиғилишда иштирок этаётган электрон пул ўтказмалари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъект(тўлов ташкилот)лари ҳамда онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналарини ишлаб чиқарувчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналарида алоҳида меню шаклида махсус функция яратиб тўлов ташкилоти орқали фискал белги электрон чекни харидорнинг мобил иловасидаги электрон тўлов тизимида сифатли ва замонавий тизим шакллантириб акс эттиришни жорий йилнинг 1 ноябрь кунига қадар тўлиқ якунига етказилиши бўйича барча чоралар кўрилиши тўғрисида фикр билдирилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан давлат солиқ хизмати органлари раҳбар ходимлари, электрон пул ўтказмалари билан шуғулланувчи тўлов ташкилотлари ва Онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналарига хизмат кўрсатувчи масъул раҳбар ходимларининг кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган таклиф ва эътирозлари эшитилган ҳамда атрофлича муҳокама қилган ҳолда йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Электрон пул ўтказмалари билан шуғулланувчи тўлов ташкилотлар зиммасига:

М. Уммураев

1.1 Жорий йилнинг 26 октябрь кунига қадар Фискал маълумотлар оператори билан ҳамкорликда ишлар олиб борган ҳолда, IP-адрес ҳамда Шлюз орқали маълумот алмашиш тизимига уланиш;

1.2. Жорий йилнинг 1 ноябрь кунига қадар:

- аҳоли билан пуллик ҳисоб-китоблар амалга оширилганда харидорларга электрон тўлов тизими ёки мобиль илова орқали тўлиқ электрон фискал чек тақдим қилиш тизимини жорий қилиш;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан харидорларга жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун тўлов тизими орқали амалга оширилган тўловлар учун онлайн-НКМ ёки виртуал кассалардан фойдаланилиб, товар номалари тўлов ташкилотларига узатилиши ва тўлов ташкилотлари томонидан харидорнинг мобил иловасида фискал белгиларга эга бўлган электрон чеклар тақдим қилиш жараёни тўлиқ якунлансин;

1.3. Электрон савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган электрон тўлов тизими ва (ёки) электрон тижорат платформа — Маркетплейс сифатида белгиланган тартибда Давлат реестрига киритиш учун ваколатли органга **белгиланган тартибда аризаларни** тақдим этиш ҳамда Давлат реестрига киритилмаган субъект (тўлов ташкилоти ва маркетплейс)лардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида такроран огоҳлантирилсин;

2. Онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналарини ишлаб чиқарувчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчи субъектларнинг масъул раҳбарлари зиммасига:

2.1. Харидорлар томонидан жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун электрон шаклда амалга оширилган тўловлар учун онлайн назорат касса (виртуал касса) техникаларида алоҳида меню шаклида - **жойларда онлайн тўловлар** махсус функцияси жорий йилнинг 26 октябрь кунига қадар яратилсин;

2.2 Жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун фискал белги онлайн-НКМ ва виртуал касса чекларини электрон пул ўтказмалари билан шуғулланувчи субъект (маркетплейс)ларининг оператор тизимига тўлиқ интеграция қилиш жараёни жорий йилнинг 1 ноябрь кунига қадар тўлиқ якунлансин;

2.3 Электрон тўлов тизимларига назорат-касса техникаларини мажбурий уланиши учун техник талаблар бажарилмаганлик ҳолатлари аниқланганда бундай ТХКМ Давлат реестридан чиқарилиши тўғрисида такроран огоҳлантирилсин.

3. Ахборот-коммуникация технологиялари департаменти (А.Раббинов), “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази (Ш.Қаюмов):

3.1. Жорий йилнинг 26 октябрь кунига қадар:

- тўлов ташкилотлари ва Онлайн назорат касса (виртуал касса) машиналарига техник хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан шаклланадиган маълумотларни бири-иккинчиси билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун фискал маълумотлар оператори томонидан API (application programming interface) яратиш таъминлансин;

- солиқ хизматлари ахборот тизимида **Шлюз** (ахборот маълумотларини маршрутизаторларнинг турларидан бири ҳамда. Роутерлар бир нечта тармоқларни улайди ва пакетли маршрутлаш функцияси) яратилиб белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли ишлаши таъминлансин;

3.2. Товар ёки хизмат учун электрон шаклда тўланган пул тўловларига чек шаклланиши ва маълумотларни давлат солиқ қўмитасига тўлиқ интеграция қилмаган тадбиркорлик субъектларини тўлов ташкилоти ёки маркетплейс сифатида ўз фаолиятини фойдаланишга йўл қўйилмаслиги назоратга олсин;

3.3. Жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун фискал белги онлайн-НКМ ва виртуал касса чекларини электрон пул ўтказмалари билан шуғулланувчи субъектларга фискал маълумотлар оператори тизимидаги белгиланган тартибдаги маълумотлардан фойдаланиш учун техник амалий ишлар ташкил этилсин;

4 Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти (Х.Базаров) – электрон тўлов тизимлари (маркетплейслар) орқали амалга оширилган тўловлар учун тўлов ташкилотлари ҳамда мерчантлар (ҳамкорлар) нинг ҚҚС солиқ ҳисоботларида икки томонлама солиқ ҳисобланиши ҳамда ҚҚС ставкаси хато қўлланилаган ҳолатлар бўйича **жорий йилнинг 1 ноябрь кунига қадар ўрганиб чиқиб**, бартараф этиш юзасидан ДСҚ раҳбариятига таклиф киритсин.

5. Ахборот-коммуникация технологиялари департаменти (А.Раббинов), Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти (Х.Базаров), Солиқ назорати департаменти (Л.Умурзаков), “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази (Ш.Қаюмов) – тадбиркорлик субъектлари вакиллари томонидан ўз товар ва хизматларини электрон тижорат платформалари (маркетплейс) ҳамда тўлов тизими орқали реализация амалга оширилганда электрон фискал чек тақдим қилиш жараёнини амалиётга жорий этиш ва солиқ органлари ахборот тизимларига интеграция қилишда юзага келаётган саволлар юзасидан тушунтириш бериш ва ва техник ёрдамлар кўрсатиш учун ягона техник марказини доимий ишлашини ва юзага келаётган муаммоларни бартараф этилишини назорат қилиб борилсин.

